

Муҳаммад МИРЗО

ШИФОБАХШ
ШЕЪРЛАР

Шеърлар




«Наманган» нашриёти
2006

84(54)6-5 УЗБ, б2в, 222б,
—Шеърлар

Шоир ва драматург Муҳаммад
Мирзо шеърят муҳибларининг
қалбидан муносиб ўрин олган ижодкор.
Заҳматқаш қалам соҳибининг мазкур
китоби «Шифобахш шеърлар» деб
номланди.

Умид қиламизки, шеър дардига
дардманд дилларга даво бўлгусидир.

Ю 32198
0



НГ 529 -114 960, 04 -128650 2006.
530 -1,0 - (04) - 06

© Муҳаммад Мирзо. «Наманган» нашриёти

Шифобахш шеърлар

1

Хаётдан умидни узгандан кўра,
Гулу райҳонларга дил боғла, жўра.
Кўп ва хўб яшамоқ истасанг агар,
Ибодат чоғлари Худодан сўра.

2

Йўқ эмиш уйқудан яхшироқ дору,
Бу сўзни мен эмас, айтмиш Арасту.
Лекин шакарнинг ҳам меъёри ширин,
«Ризқни қисқартирар тонгдаги уйқу»

3

Сўз, бу – куйиш демак, ўртаниш демак,
Керак – озроқ демак ва озроқ емак.
Вақтдан ютиш учун камгаплик даркор,
Кам сўзлаб, дўстга ҳам берурсан кўмак.

4

Дерлар: жаҳл келса – кетадир ақл,
Бир пайса ҳам фойда келтирмас жаҳл.
«Жаҳл» ва «жаҳолат» сўзлари яқин,
Умринг узун бўлар – яшасанг аҳил.

5

Кимда мустаҳкамдир ахлоқу адаб,
Худа-беҳудага бузилмас асаб.
Тўтиё сингари сарф этсанг оз-оз,
Сал кунда сен ундан қолмайсан ажраб.

6

Ҳаргиз истамасанг бўлмоқлик касал,
Асал яла бир-бир, ё эшит ғазал.

Иккови ҳам дилга мумиё каби,
Иста – оқшом пайти, иста – тонг маҳал.

7

Инсонни даволар улуғ Табиат,
Азиз махлуқ билиб қилур тарбият.
Фақат сен юракдан муҳаббат боғла,
Шифосин топурсан – бўлса муҳаббат.

8

Тўрт томонинг қибла, сен учун очиқ,
Хужрангни тарк этиб тоғу тошга чиқ.
Ўт-ўлан, гуллардан баҳра ола бил,
Елкангда бўлса бас бир оппоқ сочиқ.

9

Канда бўлмаса гар бадантарбия,
Танинг соғ бўлару, соғ бўлар мия.
Кун бўйи қушдайин енгил кўчасан,
Ақлинг ҳам ўсади, ўсар савия.

10

Филда кетма майли, кетма туяда,
Лек тоза ҳавода кўп юр пиёда.
Улуғвор ғоялар келур мияга,
Энг муҳими – умринг бўлур зиёда.

11

Қадим ҳикматларга қилгил итоат:
«Соғлом яшай десанг – кам егил овқат».
Йоғларга назар сол: бодом шаклича
Емишга кун бўйи қилгай қаноат.

12

Кун бўйи ёр бўлсин ёруғ табассум,
Қовоғинг уймагил ҳаттоки бир зум.

Ахир сен Табиат тожисан, э дуст,
Сен - ғўла эмассан, ё сув тўла хум.

13

Аллоҳ қувват берсин дилга субҳидам:
Кел, бирга ичайлик ўрик сувидан.
Беҳидан бор бўлса – уни ҳам қайнат,
Тилга ҳам, дилга ҳам бўлгуси малҳам.

14

Балиқдай чўмилиб тургин ҳар кунни,
Вужудинг тақозо этади шуни.
Мусаффо бўлурсан чангу ғубордан,
Ҳавасли бўлади умр яқуни.

15

Асабни юмшатар яхши кайфият,
Дилда туғилади тоза, пок ният.
Юрак бир маромда ура бошлайди,
Бундан фақат фойда кўрар жамият.

16

Ўзни қўлга олиб, бўлсанг хотиржам,
Дилни шодлик чулғаб, чекингуси ғам.
Ҳар хил касалликлар безовта қилмас,
Ёришиб кетади кўзингга олам.

17

Сигарет ва носдан, вино ва ароқ,
Ва яна нашадан йироқ бўл, йироқ!
Усиз ҳам ишлагай бу тоза ақлинг,
Аҳмоқлик машқини тўхтатгил, ўртоқ!

18

Балиқдан тановул айлаган киши
Аввало равшандир кўзин кўриши.

Покланиб боради лафз ила ҳалқум,
Покиза инсоннинг юришгай иши.

19

Зарарли экан-ку сен севган бу туз,
Тузни кам ишлатмоқ режасини туз.
Губорлар кетгайдир жисму жонингдан,
Кўзингга ярқираб кетар дала-туз.

20

Аччиқ қалампир ҳам дўст эмас сенга,
Қайсарлик – ҳеч яхши сўз эмас сенга.
Ошқозон, жигарга дўст бўл, жигарим,
Наҳотки дардларинг оз эмас сенга?

21

Танингни яйратар севимли меҳнат,
Севимли меҳнат-ла танингни яйрат.
Бил, шунда умрингга умр қўшилур,
Завқли меҳнат асли умрга зийнат.

22

Инсонга ёр бўлса меҳнат ва ижод,
Бирон- бир янгилик туғилар бот-бот.
Янгилик яратмоқ - инсоннинг бахти,
Ва шунда соғайиб кетурсан кушод.

23

Ўзни ўту-чўққа урмагин доим,
Ипак толасидай бўлгил мулойим.
Камтарлик тожини кияқолгин жим,
Билгин: асрангани асрар Худойим.

24

Улуғлик, покликка элтар ибодат,
Ибодат қилмоқлик – хўб яхши одат.

Арши аълоларга юксалар руҳинг,
Ибодат келтирар бахту саодат.

25

Мен таъзим қиламан юртга, тупроққа,
Доимо тайёрман уни ўнмоққа.
Ялангоёқ юрдим даштларда бир пайт,
Роҳат бағишладим шунда оёққа.

26

Ойнага жилмайиб қарасанг агар,
Сенга ҳам ўша зот жилмайиб қарар.
Ҳаётнинг ҳикмати асли мана шу:
Не эксанг – ўрасан шуни, биродир!

27

Элга сир эмаски, ёшлик чоғидан
Ҳар ким баҳраманддир сўқим ёғидан.
Улғайганда эса парҳез даркордир,
Фойда йўқ - ҳансираб, семирмоғидан.

28

Соғлом яшамоқлик бўлса мудло,
Бўлинг сабзавотга доимо ошно.
Сабзи ва пиёзда хосият кўплир:
Бўйинг чўзилади, тишлар – мусаффо.

56

Саҳар ва оқшомда ичилган қатиқ -
Асалу мумёи асилдан ортиқ.
Аллоҳ изни билан: сигирнинг сути –
Улуг Табиатдан инсонга тортиқ.

57

Тонг ила оқшомда ичилган доғсув –
Бу ҳам малҳамликда, бил, беадоғ сув.

Ичакни тозалар, юракни асрар,
Руҳингни яйратар – мисли қаймоғ сув.

58

Олча гуллаганда боғлар сари бор:
Дардингни олади оппоқ олчазор.
Ташна йўловчидай тўймай боқ унга,
Ҳатто оламини ҳам унутиб юбор!

59

«Жонни койитмасанг, жонона қайда,
Тоғларга чиқмасанг, дўлона қайда?!»
Мирзом, ғаввос бўлиб ҳикмат тошин тер,
Уммонга тушмасанг, дурдона қайда?!

60

Гоҳида дарёни қилгил тамошо:
Зилол сув мавжидан кўнгил мусаффо.
Қалбингга ишқ солар ҳаракат, оқим,
Рўёбга чиқади ҳар яхши рўё.

61

Мумтоз куй ва кўшиқ - дардингга малҳам,
Руҳингда гул ёзар қишда ҳам кўклам.
Кўз олдингдан ўтар минг йиллик умр,
Дунё туюлади янада кўркам.

62

Ит қувган соқовдай шошилсанг агар,
Ногоҳ бир хавф-хатар изингдан қувар.
Яхши бир онларни кутиб тур бир пас,
Ўтиб кетар шунда ҳар қандай хатар.

63

Ҳуда-беҳудага бўлмагин тажанг,
Дон Кихот сингари қилаверма «жанг».

Нодон ул қавмдан олисроқда юр,
Йўқса майдаланар улуғвор режанг.

64

Ҳар қандай меҳнатнинг меъёри яхши,
Томоғи йиртилар – чиранса бахши.
Кулдайн заҳмат чек ижодда фақат,
Покиза бинонинг гузалдир нақши.

65

Қай ишда чин дилдан қилсанг ҳаракат,
Бемор шифо топар, соғ эса – роҳат.
Барига тажриба ва илм даркор,
Эй умри азизим, бўлгин саломат!

66

Беморни соғайтар умид ва ихлос,
Ҳаётда не бўлса – ниятингга мос.
Ноумид – шайтондир, сен-чи – раҳмон бўл,
Ва яна дебдурлар: «Ихлос – бу халос!».



ШИФОКОР ҲАҚИДА

Хушфеъл ва мулойим бўлса шифокор,
Ҳаттоки сўзи ҳам қилгусидир кор.

Шифокор бўлса гар софдил ва ҳалол,
Бемор инжиқлиги келмагай малол.

Шифокор олса гар бемордан пора,
Кун келиб дардига тополмас чора.

Врач қабулида, унутма зинҳор,
Сўнгги соат йўқдир, бор сўнгги бемор.

Шифокор ва ҳаёт –турмас бир жойда:
Бугун Ерда бўлса, эртага – Ойда...

Дўхтир ўз ишига бўлсин фидойи,
Бу маскан – фидойи инсонлар жойи.

Ўз ишин севмаса шифокор агар,
Инграган беморга қандоқ кор келар?

Ҳар кунги тажриба, ҳар кунги китоб –
Врачи юксакка кўтарар шитоб.

• • •

Шифокор бойликка қўймасин ружу,
Беморлар дуоси – энг сара инжу.

• • •

Дўхтир унутмасин қасамёдини,
Шу йўлда кўрсатсин истеъдодини.

• • •

Табибимнинг ўзи бўлса гар бетоб,
Беморларнинг ҳоли не кечар шу тоб?

• • •

Беморга қувватин бермиш шифокор,
Ва энди бўлибдир ул ўзи бемор...

• • •

Одамзод тўладир сиру асрорга,
Бемор ҳам ўхшамас гоҳо беморга...

• • •

Чаласавод бўлса қайсидир табиб,
Бунга айбдор эмас асло илми тиб.

• • •

Табобат йўлида янги кашфиёт -
Қилмоқлик табибга бўлсин бош ният.

• • •

Дўхтир оламшумул қилсин ниятни:
Даволай бошласин Инсониятни!

Ҳакими ҳозиққа қоядай бардош –
Тилайлик бизлар ҳам, азиз ватандош!

Шарафли касб эрур, унутма, болам,
Муаллимлик каби шифокорлик ҳам!

Ёзувчи – шифокор бўлмоғи даркор:
Эл дардин яхшироқ англатар бемор.

УЗОҚ УМР ҲАҚИДА

*Кимки юз йил яшамаса,
Гуноҳ унинг ўзидадир.*

Мақсуд Шайхзода

Узоқ яшамоқчи бўлсанг, э ўғил,
Худодан сўра-ю, айтганимни қил:

Аллоҳни ёд этсанг вақтики саҳар,
Яратган – умрингга умрлар қўшар.

Севган касби ила бўлмоқлик машғул –
Узоқ яшамоққа олиб борар йўл.

Ҳаётга муҳаббат бўлмаса агар,
Озгина шамол ҳам қаддингни эгар.

Узоқ яшамоққа чоғлайди меҳр,
Меҳрда, азизим, жозоба, сеҳр.

Меҳнатга яраша тополсанг қадр,
Ҳар хил касалликлар бўлмайди содир.

Бадантарбияга бергил эътибор:
Руҳингда гўёки яшнагай баҳор.

Ҳар куни бир довон ошсанг пиёда,
Танинг яйраб, умринг бўлгай эиёда.

Тоза ҳаво, тиниқ сув:
Бири – лаъл, бири инжу.

Балиқдай, ҳар куни бир икки чўмил:
Дунё шаффоф бўлиб, ёришгай кўнгил.

Узоқ яшамоқни айласанг ният,
Сенга ҳамроҳ бўлсин яхши кайфият.

Ҳадеб папалама ширин жонингни,
Юк кўтар, ўзинг торт тегирмонингни.

Семириб кетишдан ўзингни сақла,
Нафс балосидан кўнгилни покла.

Сени емасин овқат,
Озида ҳамма роҳат.

Кўрмақчи бўлсанг гар сен узоқ умр,
Қалампир ва туздан сал узоқроқ юр.

Хўв тирик балиқда кўп эрур шифо:
Бу, дўстим, ақлингу кўзингга даво.

Ҳар кунни бир-икки донадан ёнғоқ
Есанг – ақлинг равшан, тозадир ёноқ.

Яхшимас – юракнинг ҳолдан кетуви,
Қувватдир беҳи-ю, ўрикнинг суви.

Жигарим, жигарни эҳтиёт айла,
Ароқни жигарга етти ёт айла.

Ароқ ва тамаки – икки қўша ёл:
Униси арра-ю, буниси эгов.

Истеъмол қилсанг-да ёшлик чоғингда,
Кейин ўзни тийгил сўқим ёғидан.

Сабзавот, кўкатга бўл кўпроқ ошно,
Ҳар қандай касаллик чекинар илло.

Ўттиз кун рўза-ю, уч-тўрт кун очлик –
Бир сафо эрурки, беҳад қувончлик!

Гулдан, тоғу-тошдан олавер баҳра,
Умринг узаяди, очилар чеҳра.

Бўлибсан хушчеҳра, вазмин ва сипо,
Бас, сенда минг йиллик умр жо-бажо.

Бу умр – юз йиллик синов сафари,
Ниятга яраша бўлади бари...

«Ким суйиб бажарса туққанлар амрин,
Тангри узайтирар унинг ҳам умрин».

Сўнмаса эл учун дил эҳтироминг,
Беш юз йил ўтса-да, ўчмагай номинг.

ОЗОДАЛИК ҲАҚИДА

Озода юрсанг гар, танинг соғ бўлар,
Рухинг энгиллашиб, кайфинг чоғ бўлар.

Тозалик – бу узун умрга гаров,
Ифлослик, исқиртлик – бу энг катта ёв.

Узоқ яшамоқни айласанг ҳавас,
Ойнани очиб қўй, ол тоза нафас.

Тоза ва покиза яшаган одам
Бепарво бўлмайди ифор гулга ҳам.

Билиб қўй: тоза сув ва тоза ҳаво –
Минг бир касалликка бўлғуси даво.

Тозалик очади баҳри дилингни,
Ва хушнуд этарсан юрту элингни.

Тоza маконларда яшнаp атиргул,
Тоza маконлардан кетмагай булбул.

Ақлинг кучаяди тоза ҳавода,
Юрак ҳам севинчдан бўлур навода.

Уйинг тоза бўлса, ошар обрўйинг,
Амалга ошади яхши орзуйинг.

Тоza ва саранжом тутилган ҳовли –
Ҳар хил касаллардан бўладир холи.

Ҳавасни келтирар озода ҳар уй,
Ундан келиб турар гулдайин хуш бўй.

Қайси бир уй агар бўлса озода,
Унда шамол эмас, эсар шавбода.

Театр фойедан бошланган каби,
Тоza бўлсин ҳатто ҳовузлар лаби.

Қизли уйдан совчи кетибди яйраб –
Покиза ҳовли-ю, гулларга қараб.

Ҳазон ёки ахлат тўкмаса сувга,
Мен ҳам харидорман ундай сулувга.

Озода уйларга талпинар инсон,
Ифлослик ёмондир, ёмондан- ёмон.

Айбингни очади, қизгинам, ҳар вақт –
Эшик ортидаги бир парча ахлат.

Олифта кийинган ҳар яхши одам –
Бир-бир қараб қўйсин кўчасига ҳам!

Шаҳарда ҳар бир уй бўлса гар тоза,
Келган меҳмон-измон олар андоза.

Бир кун ҳам турмасин уйингда ахлат,
Сен уни «бозорга» қўймагил сақлаб.


Жаннати бўлади озода одам,
Озодалик билан гўзалдир олам.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

Анчайин нарсага бўлма дарғазаб,
Касаллик тезлашар бузилса асаб.

Тоза сув, соф ҳаво, суюмли меҳнат –
Соғликнинг дўстидир, унутма ҳеч вақт.

Тоза ҳаво – танга даво, дейишар,
Оқиллар соғликнинг ғамин ейишар.



Тозалик – соғликнинг дастлабки шарти,
Зарардир ҳавонинг чанги-ю гарди.

Ейишу ичишда бўлмаса меъёр,
Соғлик ҳақидаги барча ваъз – бекор.

Бадантарбияга ўрганган одам –
Бардам ва тетикдир юзга кирса ҳам.

Билки, тани соғлиқ - туман бойликдир,
Саломат юрганинг – хуб чиройликдир.

Соғ танда - соғ ақл, дебди бир оқил,
Чиндан соғ танада яйрайди ақл.

Билки, касал бўлмоқ - осондан -осон,
Кейин бефойдадир ҳар хил ваз-корсон.

Шундай замонада юрсанг саломат,
Билгилки, сен учун – бу катта омад!

Бетўхтов йўталган анов амаки –
Эллик йил чекибди аччиқ тамаки.

Ўлтирма сен ароқ айланган жойда,
Билгинки, бу фақат ўзингга фойда.

Ёну- атрофингда соғ бўлса одам,
Билки, соғ бўлурсан санинг ўзинг ҳам.

Биз таълим оламиз Ибн Синодан,
Минглаб дорилари ўтган синовдан.

Бир йилда тугилган ўттиз кун рўза,
Азизим, тархингни айлагай тоза.

Фарб, бу сирни очиб минг йилдан кейин,
Деди: «Очлик билан даволаш мумкин».

Шифокорнинг сўзи ҳам даво,
Бу – кўнгилга айна муддао.

Дағал бўлмай, сўзинг бўлса асалли,
Беморга ҳам берадирсан тасалли.

МЕН ТОПГАН ГАВҲАР

(туркум)

1

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бағримда сақларман то рўзи маҳшар.
Ким бу дурдонадан мисқоллаб олса,
Хасислик қилмасман, барчага етар.

2

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бу – солимлик эрур, ҳилм, биродар.

Ғазабимни ичга ютиб юбордим,
Ҳалимлик дарахти бермоқда самар.

3

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бу бир ганж эрурки, илм ила ҳунар.
Камолотга етган тоза ҳар қалбни,
Отам дер эдилар: «тиллои аҳмар».

4

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Кўзим қувнаб кетар ҳар кун, ҳар сафар.
Атиргул ислари келар димоққа,
Инсонга меҳр эрур бу мушки анбар.

5

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
У бирла кенгаяр қишлоғу шаҳар.
Бир бурда қотган нон асалдан ширин,
Аҳиллик ҳалвоси ширину шакар.

6

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Оҳ, бунинг қадрига етгай савдогар:
Лаҳзасин тиллога бергусиз Вақт бу,
Фурсат шаробидан қуйгил, эй соғар!

7

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Йўлчи юлдуз эрур бу шамсу қамар.
Энг олий рутба бу – Тафаккур эрур,
Инсонлик саҳнида энг юксак минбар.

8

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бу – она меҳри-ю, дуои падар.
Оби кавсар эрур ҳар бир сўзлари,
Чанқоғим қолдиргай бу оби кавсар.

9

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бундан тун – чароғон, кундуз мунаввар.
Одобу ҳаёдир бу кўркам либос,
Вужудингни безар бе кумуш, бе зар.

10

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Маним кимлигимдан бергай ул хабар:
Яратганга сўнмас эътиқодим бу,
Назар солгай шояд ул Олий назар.

11

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Етказа олмаслар ёмонлар зарар.
Аларга тилайман инсофу тавфиқ,
Душманларим юртда бўлсалар агар.

12

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Буни излаб чопдим йиллар дар-бадар.
Бир бурда нондир бу, ризқу рўздир бу,
Ҳаётнинг боши бу – буғдою жавдар.

13

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бу – Табиат эрур, гўзал сеҳргар.
Гўзаллик қутқарар дунёни, дерлар,
Сенг қолмиш дунё, эй пари пайкар

14

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бу - азиз Ватандир, улуғ, мўътабар.
Не бир улуғ зотлар бундан ўтмишлар,
Саноғи чиққанмас ҳозирга қадар.

15

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар.
Сабр кўзасига солмишдир заргар.
«Сабран - жамилан» деб бежиз айтмаслар,
Сабрим саҳросида тўрғайлар сайрар.

16

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Бу – ёрга муҳаббат битилган дафтар.
Сайраб кетар кўнглим сатрларида
Муҳаббат қушлари ҳар шому саҳар.

17

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Кўҳинур сингари сочар нур-шарар.
Вафо-садоқатда собит бўлса ким,
Бахт отига миниб, бўлур музаффар.

18

Қалбинг дарёсидан топдим бир гавҳар,
Ўтганлар руҳи бу, оқ гул – нилуффар.
Элнинг хотирида бир кун эсланмак
Мирзога ҳам шояд бўлса муяссар!

1996 йил.

АДАБИЁТ ҲАҚИДА ФИКРЛАР

1

«Юраги тўлганнинг йиғиси кўп» дейилган ҳикмат худди элпарвар шоирларимиз ҳақида айтилгандай.

2

Яхши шоир – унвонсиз олим...

3

Ҳақиқий ижодкор Вақтни ҳам, Сўзни ҳам қизғонади.

4

Ўқувчи қабул қилмаган шеърларнинг баҳридан ўтвориш керак...

5

Уч қатор шеърда ҳам гўзал бир ҳикоя сўйлаш мумкин...

6

В.Белинскийнинг улуғ бир фикрини унутмайлик:

«Поэзия – картиналар ва образлар билан сўзлаши керак».

7

Сонет – асов от: тушов солиш қийин...

8

Шоир қалби беқиёс гўзал бўлса, гўзал шеърлар унаверади.

9

Ёлғиз қолганда фикр тиниқлашади.

10

Гўзал ва мўъжаз китобча – умр дарёсидан олганимиз бир чўмич тоғ сувига баробар.

11

Шекспирни билмаслик – гуноҳ! .

12

Истеъдодли шоир – аини бир лақтда ҳам мусаввир, ҳам сеҳргардир.

13

Шоҳ Машраб айтганларидек, «минг маънини бир нукта била мухтасар этмак» жоиздир.

14

Шоир – «куф-суф» билан тупроқни зарга айлантирадиган ал-кимёгардир.

15

Ёр васлига талпингандай, яхши асар ёзиш учун ҳам талпиниш керак!

16

Ер юзи битта бўлганидап, теран адабиёт ҳам биттадир.

17

Китоб – кўзгу. Унда муаллифнинг қалби шундоққина кўриниб туради.

18

Жамият учун ҳамиша қайғурмоқ – ижодкорнинг энг муқаддас бурчидир.

19

Адабиёт ҳам, «шатранж ўйини каби, чуқур мулоҳаза ва тафаккурни талаб қилади» (Ўрдубодий).

20

Рубоийда фикр узук бўлса, образ – ўша олтин узукнинг гавҳар кўзидир.

21

Гўзал шеър ёзишга ундайдиган фикр –
ростакамига қимматбаҳо фикрдир.

22

Шеърятда ҳамма фанларнинг ҳикматидан
фойдаланиш мумкин.

23

Ижод ҳам бўзчининг ишига ўхшаб кетади...

24

Асарни деҳқон экиб кўради, доришунос –
аптека тарозусида тортиб ҳам кўради...

25

Жамиятни поклаш асосан покиза
ижодкорлар зиммасига тушади.

26

Оламни янада кўркам кўрсатадиган кишилар-
булар шоирлар, ҳофизлар ва мусаввирлардир.

27

Ҳис-туйғуни тоғу тошлар, кўзлардаги
маржон ёшлар орқали бера билиш – катта
бир санъат!

28

Улуғ ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг
мана бу сўзларига эътибор қилайлик: «Ҳар
бир ҳақиқий адабий асар бошдан-оёқ ҳис-
туйғу билан суғорилган бўлади».

Шеърнинг кимга аталганини эжакилаб
титкилаш – шоирнинг киндиги атрофида
холи бор-йўқлигини излашдай
беадабликдир...

30

Адабиёт – ақл ва ҳиссиёт мўъжизаси.

31

Рубоий – дунёни гўзаллик ва абадият
қонуни асосида қайта кашф этиб беради.

32

Ҳовлидан райҳон ҳиди келгани каби,
рубойдан ҳам донишмандлик ҳиди кел
турсин.

33

Халқ қумсаётган ижодкор – чинданам
бахтли ижодкордир.

34

Ижод чангалзорларидан дадил ўтиб
бораверсангиз, гўзал бир водийга чиқасиз...

35

Ижодкор ҳамиша она заминдан, оёғи
остидан қувват олади.

36

Ватанга муҳаббатсиз ҳақиқий шоирнинг
бўлиши мумкин эмас.

37

Наср – кумуш бўлса, назм – олтин...

38

Поэзия – гўзал изтироб...

39

Ҳар нарсани ёзишдан бош мақсад бўлади.
Бизнинг бош мақсадимиз – комилликка
хизмат қилишдир.

40

Чўққига чиқсанг – узоқни кўрасан.

41

Ижод – сەҳрли нарса. Қандайдир бўлакча
завқи бор унинг...

42

Буюк ижод – олий муҳаббатнинг меваси.

43

Ижод – ҳам санъат, ҳам ҳунар. Буюмингиз –
чиройли ва пишиқ бўлсин.

44

Адабиёт билан шуғулланиш – ибодат сингари
доимий ва кўркам бўлиши керак.

45

Яхши асарнинг ёзилиши – ўзига хос
байрамдир.

46

Китоблар ўз соҳибларининг ақлини, ҳис-
туйғуларини ойнадай акс эттириб турадилар.

47

Китоб – муаллифнинг ўзига қўйган
ҳайкалдир...

48

Яхши асар – рўзи маҳшаргача яшайверади.

49

Ёзувчи – оламлар ичида олам яратади...

50

Ижодкор ҳамма яхши нарсаларни (яхши маънода) океандаги оқ акулалдай ичига ютиши керак...

51

Каптар ҳақида ёзаяпсанми, демак, ўзинг ҳам хаёлан каптар бўлиб учмоғинг керак.

52

Поэзия – мўъжиза яратиш санъати.

53

Ҳангомалар - қувноқ роман дарахтининг шох ва барглари...

54

Ҳар бир рубоий ҳам, Расул Ҳамзатов айтганидай, БИТТА ОТГА АРЗИЙДИГАН бўлсин!

55

Асарда ижодкорнинг адабиётдан ташқари яна қайсидир бир фанга муҳаббати яққол сезилиб турсин!

56

Поэзия ҳам шахмат сингари сеҳрли олам...

57

Ижодкор – ҳам файласуф, ҳам мусаввир бўлиши керак...

58

Ёзувчи курраи заминни кафтида кўриб туриши керак...

59

Ҳар қандай асар халқимиз дардини айтиб олишга баҳона бўлсин!

60

«Лазерхотира» билан минг йилларнинг
қаърига кириб бориш керак!

61

Аввалги сўзнинг қовурғасидан қофия
потирлаб ўсиб чиқиши керак...

62

Хоккуда ҳам бир олам ҳаёт акс этиши
зарур.

63

Танка ва хокку - қисқа ҳикоялар...

64

Сонетда катрен - қулф, терцет - калит...

65

Шеърда ж о з и б а бўлиши керак.

66

Каттароқ шеърларни, туркумни олдин сочма
ҳолда қоралаб қўйилса, чалғиб кетилмайди.

67

Адабиёт – универсал фан.

68

Халқни севиш керак!

Ана шунда кўп яхши асарлар пайдо бўлади.

69

Ёмон шеърни йўқотмак – яхши шеърни
топмак билан баробардур.

70

Шеър – изтироб фарзанди.

71

Ақл – ижод онларида олмосдай ярқираб
туради.

72

Табиат тасвирини қойилмақом қилиб эплай
олсангиз, ёзувчи бўлдим деяверинг.

73

Ижодда ҳам баъзан «профилактика
ишлари» бўп туриши керак...

74

Навобий ҳазратга манзур тушадиган биронта
газалинг борми?!

75

Расул Ҳамзатов саккизликларидан тоғ
ҳавоси уфуриб туради...

76

Ижодкор ҳафтада бир кун ёлғиз қолиши
керак...

77

Ёзувчи учун злу юрт қайғусидан муҳимроқ
иш йўқ.

78

Ҳар бир шеър – к а ш ф и ё т даражасига
чиқиб бориши керак.

79

Қалам – ёзувчининг қармоғи.

80

Ҳаёт фундаментал тадқиқотни талаб
қилади.

83

Ёзувчи бирон-бир сўзни ҳам бежиз
ёзмаслиги даркор.

Барча ёзганларингиз – халққа хизмат
қилсин, сабоқ бўлишга арзисин.

М У Н Д А Р И Ж А

Шифобахш шеърлар.....	3
Шифокор ҳақида	10
Узоқ умр ҳақида.....	12
Озодалиқ ҳақида	15
Саломатлик ҳақида	17
Мен топган гавҳар (туркум)	19
Адабиёт ҳақида фикрлар	23

Ушбу китобни чоп этишда беғараз кўмак берганлиги учун укамиз Юнусов Абдуллоҳон Ҳабибуллоҳ ўғилларига миннатдорчилик билдираман.

Муаллиф.

Муҳаммад Мирзо

Адабий-бадиий нашр

ШИФОБАХШ ШЕЪРЛАР

шеърлар ва адабий ўйлар

Муҳаррир: Мусо АКМАЛ
Мусаввир: А. АББОСОВ
Тех. муҳаррир: Ғ. МУЛЛАБАЕВ
Мусахҳих: С. ЯҲЁЕВ
Саҳифаловчи: И. ТОШХОЖАЕВ

7.04.06. да теришга берилди. 14.04.06. да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. 1/32. Ҳажми 1,0 босма табоқ. Газета қозоғига офсет усулида чоп этилди. Адади 500 нусха. Бюртма 325. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Манзили: Наманган шаҳри, А.Навоий кучаси, 36-уй

«Чуст босмахонаси» МЧЖ Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.